

Қуръони Карим ва сунъий интеллект



14:09 / 02.08.2023 1294

Қуръони Карим ва суннати Набавияга хизмат қилиш бўйича «Ал-Бурҳон» ассоциацияси ҳамда «Подшоҳ Абдулазиз фан ва технология шаҳри» маркази ҳамкорлигида «Қуръони Карим хизматида сунъий интеллект технологияларига сармоя киритиш» мавзусида семинар ўтказилди. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Матбуот хизмати хабар берди.

Ушбу семинарда бир қатор эксперт ва мутахассислар иштирок этди. Мазкур семинарда сунъий интеллект воситасида Қуръони Каримни тиловат қилишдаги хатоларни тузатиш лойиҳаси бўйича кўзланган мақсадларга эришиш борасидаги тавсия ва натижалар ўрганиб чиқилди.

Маълумот ўрнида «Ал-Бурҳон» ассоциацияси ҳукуматда нотижорат секторни ривожлантириш миллий маркази назорати остидаги лицензияланган фуқаролик жамияти ҳисобланади.